2009 ЙИЛ, 22 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (11.391)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Кеча Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида анъанавий тарзда ўтказиладиган Рассомлар кунига бағишланган «Ўзбекистон Тасвирий санъат ҳафталиги» санъат фестивали бошланди.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ



Карнай-сурнай садолари остида очилган тасвирий санъат ҳафталиги ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетди. Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу ҳафталик Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Ҳафталикнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Р.Миртожиев сўзга чиқиб, истиқлол даврининг янги фестивали — тасвирий санъат ҳафталиги мустақил Ўзбекистон ёшларининг бадиий дидини ўстириш ва маънавий дунёқарашини бойитиш мақсадида ўтказилаётганлигини таъкидлар экан, олти йилдан буён уюштирилаётган мазкур анжуман бадиий жамоатчилик ва тасвирий санъат ихлосмандлари орасида катта қизиқиш уйғотаётганлигини, бу албатта пойтахтимиз ва республикамиз вилоятлари маданий ҳаётида муҳим воқеа эканлигини қайд этиб ўтди. Тадбирда шунингдек, Бадиий академия академиги В.Бурмакин ҳамда хорижлик меҳмонлар сўз олиб, тасвирий санъат оламига қадам қўяётган ёш истеъдод соҳибларини санъат байрами билан қутладилар.

Бу йилги «ТСҲ-2009» санъат фестивалидан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчи ва талабаларининг «Устоз ва шогирд» деб номланган кўргазмаси, РРК, РДК, РИСМИ талаба ва ўқувчилари ва Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари бўлган уста ва рассомларнинг ижодий ишлари ўрин олган. Иштирокчиларнинг ижодий ишлари Марказий кўргазмалар зали теварак-атрофларида, яқин жойлашган кўча ва айвонларда, Мустақиллик майдони, Қатағон қурбонлари хотираси майдони, Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри майдони, шунингдек, «Мовий гумбазлар» майдонидаги сўлим боғ ва К.Беҳзод мемориал-боғида намойиш этилиб, ҳақиқий ижод сайли тусини олди. Бу тасвирий санъат байрами томошасига келган ҳар бир мухлис шу ернинг ўзида рангтасвир асарининг яратилиш жараёни билан бевосита танишиб, рассом ишлаётган портретнинг қаҳрамонига айланиши мумкин.

Кечга бориб Марказий кўргазмалар зали пештоқига ўрнатилган экранда ўзбек тасвирий ва амалий санъати дарғалари ҳақида яратилган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. «ТСҲ-2009» доирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Озод юртнинг обод пойтахти» кўргазмаси, «Илҳом париси» кўргазмаси, «Камалак — 2009», Миллий анъаналар ва замонавийлик» республика ўқувчилар ижодиёт марказининг кўргазмаси, турли вилоятлардан келган тасвирий ва амалий санъат усталарининг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ўқитувчи ва ўқувчиларининг ижодий ишлари ўрин олган кўргазма ҳам очилди.Кўргазма экспозициясида рангтасвир асарлари, кулолчилик санъати намуналари, ҳайкалтарошлик, зардўзлик буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, дизайн, модалар намойиш этилади.

Биз санъат ҳафталигида иштирок этаётган ижодкор ёшларни суҳбатга тортиб, уларнинг ўй-фикрлари билан ўртоқлашдик.

— Бу йил иккинчи бор санъат ҳафталигида иштирок этаётганлигимдан жуда хурсандман, — дейди А.Хўжаев номидаги республика дизайн коллежи ўқувчиси Нилуфар Шаропова. — Коллежда бадиий наққошлик йўналишида таҳсил оляпман ва бу ерда устозим Дилшод Хайитметовдан наққошлик сирларини ўрганяпман. Ўтган йили мазкур санъат ҳафталигида фаол иштирок этиб диплом ва сертификат билан тақдирландим. Ушбу ҳафталик ёшларнинг маҳорати ва санъатини рўёбга чиқаришда катта ёрдам беради ва буни биз ёшлар учун катта ютуқ деб ўйлайман.

— Бу йилги тасвирий санъат ҳафталигида биринчи бор иштирок этяпман, — дейди Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Наргиза Нусратова. — Мен рангтасвир йўналишида ижод қилишни ёқтираман. Кўпроқ она табиат манзараларини, дарахтлар, гуллар, Она Ватанимизнинг беқиёс гўзалликларини ярашига ҳаракат қиламан. Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида ўтказилаётган бу ҳафталикда иштирок этаётганимдан бахтиёрман. Кейинги йилда ҳам бу санъат байрамида, албатта қатнашиш ниятидаман.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Тасвирий санъат ҳафталиги» дан лавҳалар.

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар

Янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари хизматингизга тайёр

ЮРТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ, УЙЛАРИМИЗ БУНДАНДА ШИНАМ ВА ЗАМОНАВИЙ БЎЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсата бошлагани уй-жой қуриш ва таъмирлаш ишларида янги имкониятлар очмоқда

БУНЁДКОРЛИК ҚОНИМИЗДА БОР

Яратувчилик, бунёдкорлик халқимизга хос фазилатлардан. Юртимизда инсоният тарихидаги энг қадим шаҳарлар, обод манзиллар шаклланган бежиз эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Марғилон каби кўҳна ва навқирон кентларимиз ўзининг бой тарихи, бетакрор меъморий обидалари, илм-фани ва маданияти билан мана неча асрларки, олам аҳлини ҳайратга солиб келаётир. Биргина, Самарқанд шаҳрининг ўзида бундан минг йиллар аввал ҳам мукаммал лойиҳа асосида канализация тармоқлари қурилганлиги аждодларимизнинг бу борада нақадар чуқур билим ва юксак салоҳиятга эга бўлганидан далолатдир.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан Самарқанд ва бошқа шаҳарларда амалга оширилган улкан яратувчилик ишларининг намунаси бўлган ва бизгача сақланиб қолган обидалар ўша даврда шаҳарсозлик, қурилиш маданиятига ғоят катта эътибор қаратилганини кўрсатади.

Улуғ аждодларимиз маҳобатли саройлар, мақбаралар, мадраса, масжид, хонақоҳ, карвонсарой ҳамда бозорлар қурилиши билан бир қаторда, деҳқончилик ривожига хизмат қилувчи тўғонлар, канал ва ариқлар, кўприклар бунёд этиш борасида ҳам катта тажрибага эга бўлган. Айни чоғда аҳолининг шахсий уй-жойи, ҳовлилари ҳам муайян лойиҳа ва талаблар асосида барпо этилган. Бунда ҳудуднинг табиий иқлим шароити, рельефи ҳам ҳисобга олинган. Санитария-гигиена меъёрларига, уйнинг ташқи кўринишига жиддий эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

НУРОНИЙЛАР ДОИМО ИЗЗАТДА

Нуронийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони фахрийларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ифодаси бўлди.

Республика «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимизнинг мазкур фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, фахрийлар, жумладан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар муҳокама этилди.

«Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев давлатимиз томонидан фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, қариялар-га моддий ва маънавий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Жорий йилда жамғарма томонидан беш юз нафардан ортиқ уруш ногирони, меҳнат фахрийсига зарур тиббий ускуналар берилди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларда истиқомат қилаётган уч мингдан ортиқ нуронийнинг уй-жойлари таъмирланди. Уруш ва меҳнат фахрийларига, ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш, уруш ва меҳнат фахрийлари, қариялар ҳолидан хабар олиш борасидаги тегишли вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза ахборот компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир ва концерт дастури «Тошкент — муқаддас маскан» деб номланди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактабда «Ёшлар одоби — олий қадрият» мавзуида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида «Мен ҳам ҳамшира бўламан» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда уй ҳамшираси курси аъзолари иштирок этишди.

● **АЙНИ** кунларда Ўзбекистон Давлат консерваторияси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси оркестр дирижёрлиги ва халқ чолғулари кафедралари, «Сўғдиёна» миллий чолғулар камер оркестри, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси ҳамкорликларида, «Евробизнес» компанияси ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳомийликларида «Наврўз садолари» деб номланган Республика кўповозли миллий чолғу ансамбллари фестивали бўлиб ўтмоқда.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Соғлиқни сақлаш — TIHE-2009» халқаро кўргазмаси очилди. Юртимизда ўн тўртинчи бор ўтказилаётган ушбу халқаро кўргазмада тўртта йўналиш қамраб олинган бўлиб, унда АҚШ, Австрия, Англия, Россия, Хитой, Германия, Италия, Швейцария, Чехия, Туркия, Япония, Жанубий Корея каби жаҳоннинг 22 та давлатидан келган 150 га яқин компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

● Мамлакатимиз халқ таълими тизимида анъанага айланган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2009» кўрик-танловининг Республика босқичи бошланди. Мазкур танловнинг якунловчи босқичи 20 апрелдан 7 майга қадар 14 та фандан ва психологлар ўртасида ўтказилмоқда.

● Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорлигида «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабга ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар ташкилоти сертификати топширилди. Бу билан мазкур таълим муассасаси дунё бўйича ушбу ташкилотга аъзо бўлган 6 мингта мактаб қаторидан жой олди. Ушбу мактабга нуфузли сертификат билан бирга, ўқув дастурлари, кўргазмали қуроллар ҳам топширилди. Келгусида мазкур илм маскани мавжуд талабларни бажарса, ЮНЕСКО томонидан молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланади.

● Наманган вилоятининг Чуст туманида бандликка кўмаклашиш туман маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Тадбирда тумандаги 39 та корхона ва ташкилот ўзининг 300 та бўш ўринларини таклиф этди. Тадбир давомида 115 киши мутахассислиги бўйича ишли бўлди, 18 киши эса ишлаб чиқариш корхоналарига касаначилик асосида ишга қабул қилинди.

● Наманган шаҳридаги 58-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг ахборот-ресурс марказида «Оммавий тадбирларнинг энг янги услубларини ахборот-ресурс марказларида татбиқ этиш» мавзуида вилоят семинари бўлиб ўтди. Анжуманда жойларда китоб тарғиботини янада яхшилаш, ахборот-ресурс марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш, шаклланиб бораётган янги тизим фаолиятини такомиллаштириш каби масалалар кўриб чиқилди.

ЖАҲОНДА

● Бутунжаҳон банки ривожланаётган давлатларга кўрсатиладиган ёрдамни уч бараварга оширмоқда. Яъни ушбу давлатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 12 миллиард долларлик маблағ ажратилади.

● АҚШ Президенти Барак Обама Оқ уйга Миср, Исроил ва Фаластин мухторияти етакчиларини таклиф қилди. Уларнинг тез фурсат ичида АҚШга ташриф буюриши кутилмоқда.

● Женевада ташкил этилган ирқчилик масалалари бўйича халқаро конференцияда юздан ортиқ мамлакатларнинг вакиллари анжуманнинг ягона декларациясини қабул қилдилар.

● Колумбия молия вазири Оскар Иван Сулуага ва мамлакат марказий банки бошлиғи Хосе Лариу Урибе давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз зарарини қоплаш учун Халқаро валюта жамғармасидан 10,4 миллиард доллар миқдорида кредит сўради.

● Брюсселда ташкил этиладиган халқаро конференцияда донорлик ёрдами ва денгиз қароқчиларига қарши кураш масалалари кўриб чиқилади.

● Кеча Тбилисидаги марказий майдонда мамлакат президентининг истеъфога чиқишини талаб қилаётган мухолифатчиларнинг норозилик намойишлари яна бошланди. Ушбу намойишда 20 мингга яқин киши қатнашди.

● Ливан билан Сурия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан кейин Ливаннинг Суриядаги биринчи элчиси Мишель ал-Қурий ўз фаолиятини бошлади.

● Ироқ ҳарбийлари Киркук шаҳрида 4 нафар ўспиринни ҳибсга олишди. Маълум бўлишича, улар «Ал-қоида»га алоқадор бўлган «Жаннат қушчалари» гуруҳининг аъзолари бўлиб, жангарилар террористик ҳуружлар уюштиришда улардан ҳудкушлар сифатида фойдаланишни кўзда тутишган.

● Жорий йилнинг якунланган биринчи чораги давомида Россияда ишсизларнинг умумий сони 7,1 миллион кишига етди.

● Хитойда дунёдаги энг узун кўприк қурилиб фойдаланишга топширилди. Узунлиги 38 километрни ташкил этувчи мазкур иншоот Хитойнинг молиявий ва тижорат маркази бўлмиш Шанхайни саноат шаҳри Кигинбони билан боғлайди. Ушбу кўприкнинг қурилиши учун беш йилдан зиёд вақт кетди.

ЮРТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ, УЙЛАРИМИЗ БУНДАНДА ШИНАМ ВА ЗАМОНАВИЙ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов буюк аждодларимизга хос ўша эзгу анъаналарни қайтадан тиклаб, мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳарларини ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшаси, ҳатто, энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам бунёд этилган замонавий, қулай ва кўркам турар-жойлар, мактаб ва коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт кошоналари, боғ-роғлар, равон йўл ва кўприклар кўзни қувонтиради.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида бу борадаги изчил ва босқичма-босқич ислоҳотларни янги, янада юқори поғонага кўтариш ва самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

Ватан остонадан бошланади. Ўз уйим – ўлан тўшагим. Халқимизнинг бундай нақлларида ҳикмат кўп. Дарҳақиқат оиламиз, ўз уйимиз, яшаш масканимиз Ватан ичра мўъжаз Ватан ҳисобланади. Хонадонларимиз, уй-жойларимизни қанчалик обод қилсак, маҳалламиз, шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз шунчалик кўркам ва файзли бўлади.

Собиқ шўро даврида шаҳар ва қишлоқлардаги қурилишлар Ўзбекистондаги маҳаллий ва табиий шарт-шароит ҳисобга олинмай амалга оширилган. Қурилиш материалларининг етишмаслиги, якка тартибда уй-жой қуришда ҳар кимнинг ўзича ёндашуви ердан самарасиз фойдаланишга, аҳоли яшаш масканларининг қиёфасига салбий таъсир кўрсатган.

Истиқлолга эришганимиздан буён қишлоқларни ободонлаштириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида ана шундай бунёдкорлик ишлари натижасида кўплаб замонавий турар-жой масканлари пайдо бўлди.

Биргина мисол. Бундан бир неча йил бурун Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида "Мустақилликнинг 15 йиллиги" дея аталган янги маҳалланинг барпо этилиши туфайли 200 оила бир вақтнинг ўзида янги, замонавий уйларга кўчиб ўтди. Хонадонларга табиий газ, электр, ичимлик сув ўтказилди. Замонавий алоқа хизмати йўлга қўйилди.

– Илгари пастқам, дидсизлик билан пала-партиш қилиб қурилган уйларда яшаб, бизга насиб этгани шу экан-да, деб юраверган эканмиз, – дейди маҳалла раиси Абдуманноб Маматисаев. – Янги уйга кўчиб ўтгач, бу ерда яратилган қулайликлардан баҳраманд бўлиб, бошимиз осмонга етди. Юртбошимизнинг инсон ҳаётга бир марта келади, шундай экан, умрини ҳар жиҳатдан муносиб, тинчлик-осойишталик, фаровонликда ўтказиши керак, деган сўзларининг тасдиғини ўз ҳаётимиз мисолида кўраяпмиз.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи олдимизга қўйган эзгу ва юксак марраларга етишнинг асосий омилларидан биридир. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш оилаларга тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилаётир. Бундай кредитлар ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат бўлмоқда.

2008 йил – Ёшлар йилида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тахсинга сазовор. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳар бири 32 хонадонли 67 та уй қурилиб, ёш оилаларга берилди. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди.

Сиртдан қараганда бу кўрсаткичлар оддий бир рақамлар бўлиб туюлиши мумкин. Аммо, ана шу рақамларнинг замирида кўплаб оилаларнинг қувончи, бахти, фаровонлиги мужассам.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида қишлоқларимиз қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини меъморий режалаштириш ва намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш тизимини тубдан такомиллаштириш, меъмор ва муҳандисларнинг, жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг бу масалага ёндашувини давр талабига мос равишда ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бошқача айтганда, «қишлоққа шуям бўлаверади», деган эскича қарашлар билан энди муроса қилиб бўлмайди. Бугун қишлоқда янги уй-жойлар, ижтимоий-маданий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий меъморлик лойиҳалари асосида қуриш, туман марказлари, кўча ва майдонларни ободонлаштириш юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бунёдкорлик ишларида муайян ҳудуднинг табиати ва иқлим шароити, ўзига хос демографик жиҳатлари, мавжуд маҳаллий қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси базаси каби муҳим омиллар эътиборга олинмоқда. Қурилиш хомашёси ва материаллари турини ошириш ва нархини арзонлаштириш учун жойларда цемент, оҳак, гипс, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар фойдаланишга топширилмоқда. Қурилиш учун зарур хомашё конларини тиклаш ва уларнинг сонини кўпайтириш, қурилиш маҳсулотларини мақбул нархларда сотиш бўйича жойларда фирма дўконлари очилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда қабул қилинган "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида бош план асосида қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитлари сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш белгиланган.

Банк томонидан қишлоқ жойларда жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатгача кредитлар берилиши кўзда тутилгани, шубҳасиз, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

ҚУЛАЙ, АРЗОН, СИФАТЛИ

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 29 январда қабул қилинган «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда янги имкониятлар яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ижро этишга қаратилган мазкур дастурий ҳужжат, юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Қарордан кўзда тутилган мақсад шаҳарлар ва аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, меъморий режалаштирган ҳолда қуришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобига уй-жой фондининг ҳолатини яхшилаш, уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишларини янада кенгайтиришни рағбатлантиришдан иборатдир.

Мазкур қарорга мувофиқ барча туман ва шаҳарларда уй-жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида режалаштириш, безаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширувчи хусусий мулк шаклидаги юридик шахс ҳуқуқига эга ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этилмоқда.

Янгидан ташкил этилаётган бу ташкилотлар аҳоли, юридик шахслар ва ягона буюртмачи хизматлари билан шартномалар асосида, фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жойларни қайта режалаштириш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, безаш ҳамда қуриш, шу жумладан томларни таъмирлаш, уйлар ичидаги муҳандислик коммуникацияларини алмаштириш ва кўп қаватли уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширади. Шунингдек, келгусида янги мулкдорларга, биринчи навбатда ёш оилаларга бериш ва кимошди савдоларига қўйиш учун эскирган ва эгасиз уй-жойларни тиклаш бўйича ишларни бажаради.

Айни чоғда мавзелар ичидаги эскирган уй-жой муҳандислик тармоқларини алмаштириш ва қайта қуриш, кўп қаватли уйларга ёндош ҳудудларда ландшафт лойиҳа ечимларидан фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга оширади.

Тан олиш керак, фуқаролар уй-жойларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, пардоз ишларини амалга оширишда баъзи бир қийинчиликларга дуч келар эди. Хусусан, бундай ишлар билан шуғулланувчи юридик мақомга эга ташкилотлар эҳтиёжга қараганда кам эди, мавжудларининг ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари учун белгилаган нархи ҳаммага ҳам тўғри келмасди. Натижада уй-жойларда таъмирлаш-қурилиш ишлари хонадон эгалари ёки бу соҳада етарли малакага эга бўлмаган ёлланма ишчилар томонидан бажариларди. Ўз-ўзидан бундай ишнинг сифати паст бўлиши, иш жараёнининг узоқ давом этиши, устига устак қурилиш материаллари исроф бўлиши кузатиларди. Яна бир жиҳати, билиб-билмай таъмирлаш, қурилиш ишларининг амалга оширилиши оқибатида архитектура қоида ва меъёрлари бузилишига йўл қўйилар эди.

Янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари уй-жойларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашда унинг хавфсизлигини таъминлашга, қурилиш қиймати арзонлигига ва ишнинг қисқа муддатда сифатли бажарилишига алоҳида эътибор қаратади.

Уй-жойини реконструкция қилиш ёки таъмирлаш истагида бўлган ҳамюртларимиз энди бозорма-бозор ёлланма ишчи излаб юрмайди. Телефон орқали ўзлари яшаётган ҳудудда ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотига мурожаат қилсалар бас. Мазкур ташкилот ишни қисқа муддатда, сифатли, энг муҳими, бошқаларга нисбатан 30-40 фоиз арзон нархда бажариб беради.

Президентимизнинг қарорида ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Зотан, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини янада яхшилаш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, халқимизнинг уй-жойлар қурилиши, таъмирлаш хизматларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, соҳада рақобат муҳитини шакллантириш, хизматларнинг нархини арзонлаштириш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилиши режалаштирилган бундай ташкилотлар келгусида дадил оёққа туриб, мамлакатимиз қурилиш индустриясининг юксалишига ҳисса қўшадиган корхоналарга айланиши лозим.

Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларини яратиши лозимлиги белгиланган.

Хусусан, мавжуд фойдаланилмаётган турар-жой бинолари, шу жумладан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш базаси инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига белгиланган тартибда текинга ёки имтиёзли асосда узоқ муддатли ижарага берилишида, уларни зарур инвентарь, қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари билан таъминлашда, қурилиш соҳаси бўйича касбларни эгаллаган ва ишга жойлашишга муҳтож малакали ишчилар ва муҳандис-техник кадрлар билан таъминлашда маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ёрдамни кўрсатишлари зарур.

Янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилингани (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно) уларга катта амалий рағбат бўлаётгани, шубҳасиз.

Маълумотларга қараганда мазкур ташкилотлар ҳозиргача ана шу имтиёздан фойдаланиб 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағни иқтисод қилиб қолган. Имтиёз натижасида ташкилотлар ихтиёрида қоладиган қўшимча маблағлар корхонанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги замонавий қурилиш техникаси харид қилиш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш борасида катта имкониятлар яратади.

Яна бир жиҳати, улар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинган.

Мамлакатимиз тижорат банклари қурилиш техникаси, кичик механизациялаш воситалари, махсус транспорт ва инвентарь сотиб олиш учун бошланғич капитални шакллантириш мақсадида ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига имтиёзли кредитлар беришни йўлга қўймоқда. Мазкур ташкилотларга цемент, металл прокати, шифер ва бошқа қурилиш материалларини имтиёзли тартибда сотиш назарда тутилган.

Юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида аҳолининг эҳтиёжига ва уй-жой фонди объектлари бўйича таъмирлаш-қурилиш ҳажмларига қараб қурилиш материалларининг жорий биржа котировкаларидан ошмайдиган нархлар бўйича аҳолига қурилиш ва пардозлаш материалларини сотиш юзасидан ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ихтисослаштирилган фирма дўконлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига лизинг асосида қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари етказиб бериш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, қурилиш касб-ҳунар коллежларида соҳа учун зарур мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов қарорида кўзда тутилган вазифаларнинг амалга оширилиши нафақат шаҳар ва қишлоқларимизни обод этиш, айни чоғда ўз келажагини ўз қўли билан бунёд этаётган халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечириши йўлида изчил олиб борилаётган амалий ишларимизга янгича мазмун ва кўлам бағишлаши, шубҳасиз.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Иқтисодиёт

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАЁТГАН ЖАМОАЛАРНИНГ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДАКИ, БУ БЕЖИЗ ЭМАС. АЙНИҚСА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ХАРИДОР ЭҲТИЁЖ-ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙНДАГИ БЕЖИРИМ, ЁРҚИН РАНГЛАРДАГИ, АСОСИЙСИ, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИМИЗНИНГ ИҚЛИМИМИЗГА МОС БЎЛГАН ПАХТА ТОЛАСИДАН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ТАЙЁРЛАЁТГАНИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚДИР.

Пойтахтимизда 2007 йилдан фаолият юритаётган «YAVLON-TEXT» масъулияти чекланган жамияти ҳам шу давр мобайнида аёл ва эркакларга мўлжалланган сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда. Цехларда ўрнатилган ҳозирги юксак унумли замонавий линия, тикув дастгоҳлари жамоа аҳлига ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Мазкур корхона тадбиркорлари доимий изланишда, ички бозорни чуқур ўрганиш, харидор дид ва талаби асосида кундалик спорт, ҳордиқ учун қулай, чиройли либослар яратиш уларнинг диққат марказида. Масалан, ушбу йилдаги баҳор-ёз мавсумий либослар коллекцияси 30 хилга яқинлашди. Эътиборли томони, жамиятнинг ишчи-хизматчилари малакали, ўз ишининг моҳир усталари ҳисобланади ва асосан ғайрат-шижоатли ёшлардан ташкил топган. Шу боис ҳам корхона маҳсулотларининг сифатини таъминлашда уларнинг ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Хом ашё — сифатли матолар асосан Туркия давлати билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналардан олинади. Буюртма асосида эса махсус иш кийимлари (тиббиёт ходимлари, нефть-газ саноати ишчилари, қўриқчилик хизмати ходимлари ва ҳоказо) учун буюртмачи билан келишилган ҳолда танланади. Аёл ва эркакларнинг мавсумий кийим-кечаклари пойтахтимизнинг буюм бозорларида сотилмоқда.

Ҳозирда жамиятнинг тадбиркорлари янги лойиҳалар устида ишлашмоқда, келгусида корхонани кенгайтириш кўзда тутилган бўлиб, тез орада хориждан янги дастгоҳ ва ускуналар келтирилади.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИМИЗ ИЧКИ БОЗОРНИ ТЎЛДИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШМОҚДА. МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАБ, ИЧКИ БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛАЁТГАНИ ҚУВОНЧЛИ ҲОЛ, АЛБАТТА.

Шаҳримизда фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «OzSetGlobal» қўшма корхонаси ҳам шундай корхоналар сирасига киради. Мазкур жамият аъзолари шахсий гигиена маҳсулотлари ишлаб чиқаришади.

Ички бозорни чуқур ўрганиш асосида корхона тадбиркорлари харидор дид ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Фарғона водийсида махсус етиштирилган хом ашёдан «ECOLUFFA» савдо белгиси билан чиройли дизайндаги экологик тоза мочалкалар ишлаб чиқаришмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотлар жажжи фарзандларимиздан тортиб, барча ёшдаги кишиларга манзур бўлмоқда. Боиси, улар ҳар хил бежирим кўриниш ва ҳажмда, ишлатишда қулай ҳамда асосийси, соғлиққа зарарли эмаслиги билан ажралиб туради. Масалан, сауналар учун гиламчалар — тўртбурчак, пирамида, олма, нок каби кўплаб шаклларда, лента, уқалаш учун мўлжалланган ҳар хил турдаги шиппакларнинг классик услубдагилари, айниқса қўлқопчалар ҳар қандай позиктаъб мижознинг ҳам эътиборини тортади.

Шунингдек, болажонлар учун турли-туман мева-сабзавот, жониворлар шаклида тайёрланаётган маҳсулотларга рангли ип-газлама ишлатган ҳолда замонавий дизайн қўлланган товарлар ҳозирда харидоргир бўлиб, улар нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг кўплаб ҳудудларида ўз буюртмачиларига эга. Деярли барча фитнес клублари, сауна, ҳаммомлар, меҳмонхоналар, сайёҳлик агентликлари ушбу қўшма корхонанинг доимий буюртмачилари ҳисобланади.

Жорий йилда ҳам корхона тадбиркорлари янгидан-янги маҳсулот турларини яратиш асосида ишлаб чиқаришни кенгайтиришни мақсад қилишган. Янги лойиҳа, ишланмалар устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУВ — УМУМБАШАРИЙ НЕЪМАТ

«Союзводпроект» сув хўжалиги, мелиорация ва экология бўйича инженерлик илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори, Россия табиий фанлар академияси академиги, география фанлари доктори Игорь Зонн минтақамизда бир неча бор бўлган ва Марказий Осиёнинг экологик муаммолари билан таниш. Ўтган йил охирида Москванинг «Халқаро муносабатлар» нашриёти АҚШнинг атмосфера бўйича тадқиқотлар миллий маркази етакчи ходими Майкл Гланц ҳамкорлигида «Орол энциклопедияси»ни чоп этди. Бир ой олдин мазкур энциклопедия ГФРнинг Шпрингер нашриётида инглиз тилида чоп этилди.

— Энциклопедия бир авлод кўз ўнгида экологик таназзулни бошидан кечирган табиатнинг ноёб ҳавзасига бағишланган, — дейди Игорь Сергеевич. – Китобда Орол денгизи тарихининг муҳим даврларини ўз ичига олган сўнгги уч аср давомида бўлиб ўтган воқеалар хронологияси аксини топган. Унга ушбу масалага тааллуқли бўлган 500 дан ортиқ тушунча ва атамалар, Орол инқирозидан келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий ва экологик зарарни камайтириш тўғрисидаги миллий ва халқаро дастурлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Орол масаласи ўта жиддий муаммодир. Энциклопедия устида ишлаётганимизда мазкур денгиз ҳақида бугунги кунгача эга бўлган барча маълумотларни киритишга, бу ерда инсонлар бошидан кечираётган фожеани дунё ҳамжамияти эътиборигача олиб чиқишга ҳаракат қилдик. Ҳозирги кунда Ўзбекистон томонидан Амударё дельтасида вужудга келган аҳволни яхшилашга йўналтирилган тадбирлар ва техник иншоотлар ўз самарасини бермоқда. Оролбўйига оид ҳайвонот ва наботот дунёси қайта тикланмоқда. Бу денгизнинг илгариги қирғоқларидан узоқлашиши оқибатида юзага келган йўқотишларни камайтириш борасида муҳим қадамлардандир. Орол денгизидаги ҳозирги мовий ҳавзани, албатта сақлаб қолиш, унинг яна қуришига йўл қўймаслик керак. Орол бутунлай йўқолди, деган хулосага келиш умуман мумкин эмас. Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланишга жуда кўп нарса боғлиқ.

Ўзбекистонда сув-энергетика масаласи доимо муҳим ўрин тутиб келган ва мен ўйлайманки, мамлакат раҳбарияти халқнинг фаровонлиги ҳамда келажаги сувдан оқилона фойдаланишга узвий боғлиқлигини англаган ҳолда мутлақо тўғри мавқени эгаллаган. Сув ва энергетика – бир-бири билан боғлиқ, бироқ минтақа давлатлари ўз энергетик қудратини оширишга қарор қилар экан, айни пайтда воҳа аҳолисига озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириши учун тоза сув бериш ҳақида ҳам ўйлаши керак.

Биз Тожикистон ва Қирғизистонда сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигига зарар етказган ҳолда энергетика мақсадларида фойдаланишни ошириш борасида иш олиб борилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ахир бугунги кун шароитида сув ресурсларидан фойдаланишда барча давлатларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, халқаро миқёсда келишилган, мавжуд халқаро конвенциялар асосида мутаносиблашган сиёсат юргизиш жуда муҳим ҳисобланади. Минтақа келажаги сув-энергетика манбаларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шу боис минтақанинг асосий дарёлари юқори оқимида жойлашган қўшни давлатларнинг лойиҳалари Ўзбекистонни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас.

Трансчегаравий дарёларда ҳар қандай янги гидротехника иншоотлари барпо этилишини режалаштиришда мустақил ва холис халқаро экспертиза таъминланиши лозимлиги барчага аён. Мавжуд муаммоларни биладиган ва уларни оқилона ҳал қила оладиган мутахассисларнинг экспертизаси керак. Эҳтимол, бунинг учун бир эмас, бир неча экспертиза керак бўлар. Нима бўлганда ҳам бундай лойиҳаларнинг барча икир-чикирлари ва оқибатлари обдон ўрганиб чиқилиши шарт.

Бугунги кунда янги йўналишларни ишлаб чиқиш учун энг камида 20-30 йил олдинга назар ташламоқ даркор. Ҳозир энг асосийси – истиқболни кўра билиш ва режалаштириш. Яъни истиқболни белгилаш фақат бир давлат доирасида амалга оширилмасдан, балки халқаро экспертиза ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан мустаҳкамланган бўлиши керак.

Айни пайтда кўпгина мамлакатлар сув ресурслари танқислигини бошидан кечирмоқда. Трансчегаравий дарёларнинг суви – бу нафақат электр энергияси, балки иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда ушбу дарёлар оқимларида яшовчи халқларнинг муносиб ҳаётий шароитларини таъминлаш манбаи ҳам демакдир. Буни барча англаб турибди ва ҳеч қачон унутмайди.

«Жаҳон» АА,
Москва

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган бир қатор қарорлар халқ саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли хил ирсий касалликларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳам соғлом оилада соғлом фарзандлар дунёга келиши борасида муҳим дастуруламал бўлди. Бугунги кунда ушбу қарор ижроси йўлида шаҳримизда амалга оширилаётган ишлар, тиббий кўрикнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Маҳамадалиева бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Қарор ва ижро

ТИББИЙ КЎРИКНИНГ АҲАМИЯТИ

— Маълумки, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мамлакатимизнинг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор Фармон ва қарорлари, шунингдек, Давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аҳоли ўртасида касалликни даволашдан кўра унинг олдини олишга, профилактика ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳақида гапирадиган бўлсак, уни айни вақтида, узоқни кўриб чиқарилган қарор деб ўйлайман. Мазкур қарордан мақсад, соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароит яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишдан иборат. Қарорга мувофиқ никоҳланувчи шахслар ФХДЁ органлари томонидан берилган йўлланма билан соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади ва улар руҳий, наркологик, таносил, сил,ОИТС касалликлари юзасидан тиббий кўрикдан ўтадилар.

Кўпчилик оилалар аввалига бу қарорга бошқача ёндашишди. Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандини соғлом, бақувват деб ишонади. Менинг болам соппасоғ, тиббий кўрикдан ўтиши шарт эмас, деганлар ҳам кўп бўлди. Лекин тиббиёт ходимлари, «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамкорликда амалга оширган саъй-ҳаракатларимиз, жумладан жойларда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳоли ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиб, тушунтириш ишларини олиб борганимиздан сўнг кўпчилик тиббий кўрикнинг аҳамияти катта эканлигини тушуниб етди. Баъзи келин-куёвлар никоҳдан олдин руҳий ёки наркологик диспансерга бориб кўрикдан ўтишга норозиликлар билдиришди. Шунинг учун 11 та туман қошида марказий поликлиникаларда шундай хоналарни ташкил этдик. Бу ерда ёш келин-куёвларга шифокор ва ҳамширалар юқоридаги қарорнинг моҳиятини ва аҳамиятини тушунтирадилар, қайси жойга бориб кўрикдан ўтишни маслаҳат берадилар. Тиббий кўрик жараёнида йигит ёки қизда касаллик аниқлангудек бўлса, албатта уларни соғломлаштиришга эътибор қаратилади. Кўп ҳолларда йигит ёки қиз касаллигини яшириш учун тиббий-кўрикдан ўтмасликка ҳаракат қилишади. Лекин бу ҳол кейинчалик оиласи, фарзандлари учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун касалликни вақтида даволаб, сўнг турмуш қуриш керак. Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда олиб борган саъй-ҳаракатларимиз яхши самаралар бермоқда, ёшларнинг тиббий маданияти, онги ошганлиги боис, улар албатта тиббий кўрикдан ўтиш шарт, деб айтишмоқда.

Шахсан Президентимиз соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар дунёга келиши, бизнинг генофондимизни соғломлаштиришга алоҳида аҳамият берганларки, бундай саъй-ҳаракатлар ҳали бирорта давлатда бошланмаган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда нафақат ёшлар, аёллар, балки бутун оила аъзоларининг тиббий маданиятини оширишга эътибор қаратилган. Бу албатта оилаларни соғломлаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли хил ирсий ва наслий ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керак, ФХДЁ ходимлари билан биргаликда «Оналар мактаби» ташкил этганмиз. Бунда ирсий ва наслий касалликлар, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, кўкрак сутининг аҳамияти, туғруқлар ўртасидаги оралиқ тўғрисида ёш келин-куёвларга мутахассислар томонидан маслаҳатлар бериб борилмоқда. Бундан ташқари мактабларда «Репродуктив саломатлик» дарслари ўтказилмоқда. Бу дарсларни ўқитувчилар олиб боришади. Уларнинг малакасини ошириш мақсадида бешта йўналиш бўйича ўқишлар ташкил этиб, ҳар бир ўқитувчига сертификат топширдик. Бундан ташқари «Проктэр эм Гэмбл» компанияси билан ҳамкорликда мактаб, коллеж ва Меҳрибонлик уйларида «Балоғат даври» дарслари ўтказилмоқда. Унда балоғат даврида қизлар шахсий гигиенага риоя қилишлари хусусида гинеколог шифокорлар дарс олиб боришади. Шунингдек, маҳаллаларда ҳар пайшанба куни «Оилада тиббий маданиятни ошириш», «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиб, соҳа мутахассислари билан суҳбатлар олиб боряпмиз. Қарор ижроси йўлида амалга ошираётган ишларимиздан асосий мақсад, халқимиз саломатлигини сақлаш, келажагимиз бўлган ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб камолга етиши, мустақил Ўзбекистонимизда соғлом жамиятни барпо этишдан иборат. Ўйлайманки, бу борада ҳали олдимизда турган вазифалар кўп. Албатта уларни ҳамкорликда амалга оширамиз ва эзгу мақсадларимизга биргаликда эришамиз.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди

Шифокор огоҳлантиради

БАҲОРГИ ДАРМОНСИЗЛИКНИНГ САБАБЛАРИ

Баҳор фаслида бутун борлиқда кузатиладиган ўзгаришлар инсон танасига ҳам таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Бу даврда аҳоли ўртасида турли шамоллашлар, вирусли касалликлар, томоқнинг яллиғланиши — ангина каби касалликлар нисбатан кўп қайд қилинади. Шу билан бирга ҳар хил ёшдаги кишиларнинг қуйидаги «шикоятларини» тез-тез эшитиб қоламиз. «Ухлаб уйқуга тўймайман», «Иш қилмасам ҳам чарчаб қоламан», «Ҳеч қандай сабабсиз тинкам қурийди» ва ҳоказолар. Бундай ҳолларни халқимиз «илик узилди» ибораси билан тушунтиришга ҳаракат қилади.

Бизнингча, ушбу ҳолатнинг келиб чиқишига бир томондан баҳор фаслида кузатиладиган кескин ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчидан — инсон истеъмол қиладиган сабзавот ва мевалар таркибидаги мавжуд витаминларнинг камайиб кетишидир. Бу ҳолат ўз ўрнида аҳоли ўртасидаги гиповитаминоз — витаминларнинг етишмаслиги келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда инсон организмида турли хил касалликларни чақирувчи вирус ва микробларга қарши курашиш қобилияти, яъни иммунитетнинг кескин пасайиб кетиши содир бўлиши мумкин.

Хўш, инсонлардаги дармонсизликнинг олдини олиш, организмнинг турли хил касалликларга қарши курашиш қобилиятларини кучайтириш учун нималар қилиш лозим бўлади? Бу баҳор фасли билан боғланган қувватсизликнинг давосини баҳорнинг ўзи ўзи билан олиб келади десак асло муболаға бўлмайди. Ҳақиқатан баҳордаги қувватсизликнинг олдини олишда баҳорнинг илиқ шабадаси етиштирган турли хил ошқўқлардан — ялпиз, жағ-жағ, отқулоқ, момоқаймоқ, семизўт, беда, исмалоқлардан кўк сомса, чучвара, манти, хоним тайёрлаб истеъмол қилиш айни муддаодир. Бу ёввойи ошқўқлар таркибида инсон саломатлигига зарур бўлган турли хил сувда эрувчи аскорбин кислота-витамин С, В гуруҳига мансуб витаминлар, витамин Р, витамин Анинг ўсимлик дунёсидаги кўринишини — каротин кўп бўлиши билан ажралиб туради.

Кўп йиллик кузатишлардан яна шу нарса маълумки, эрта баҳордаги паст ҳарорат, юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво ёввойи ошқўқлар таркибидаги витаминларнинг йиғилишига сабаб бўлар экан. Ошқўқлардан тандир сомса, манти, хоним тайёрлашда гўшт қиймага майда қилиб тўғралган думба ёғи солинса айни муддаодир. Думба ёғи ошқўқлар таркибидаги каротинни, яъни витамин А нинг ўсимлик дунёсидаги кўринишини кўкатлардан ажралишига, одам танасида яхши сингишига таъсир кўрсатади.

Наврўзда маҳаллаларда бувижонларимиз раҳнамолигида тайёрланадиган сумалакни табиий қувватдори десак бўлади. Ҳақиқатан, унда буғдой таркибида тиббиётда қувватдори деб тан олинган витамин Е жуда кўп сақланиши аниқланган. Витамин Е ни шифокорлар улуғ ёшдаги отахон ва онахонларга, узоқ муддат хасталикдан турган беморларга биринчи ўринда тавсия қилишлари бежиз бўлмаса керак.

Хуллас, баҳорнинг тенги йўқ туҳфалари орасида инсон саломатлигини сақлашда, яхшилашда сумалакнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун сумалакни биринчи ўринда нуроний отахон-онахонларимиз, касалликдан турган беморлар, хомиладор аёллар, ҳуллас қувватсиз кишилар тўйиб истеъмол қилишлари айни муддаодир. У таомгина эмас, шифобахш дори ҳамдир. Сумалак инсон аъзоларида жуда тез қонга ва лимфа суюқликларига сўрилади.

Сумалакнинг оқсили ҳам жуда нозик бўлиб, аъзои бадаримиздаги ҳужайралар учун энг яхши озуқадир. Ундаги Е витамини эркакларни бепуштлик касалидан, аёлларни эса бевақт ҳомила ташлашдан асровчи омил эканлигини улуғ табибимиз Абу Али ибн Сино ўз асарларида кўрсатиб ўтганлар.

Сумалак гипертония касаллигига ҳам энг яхши даво, у қон таркибини тозалайди. Томирлар торайган бўлса кенгайтиради, қонни суюлтиради. Шу билан бирга ошқозон-ичак йўлларини кераксиз чиқиндилардан тозалайди, ичак фаолиятини кучайтиради, уйқусизликда ҳам ёрдам беради.

Абдуваҳҳоб ТОҲИРИЙ (Мақола Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида тайёрланди)

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқ саломатлигини сақлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишдан иборатдир. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда халқимиз саломатлигини асраш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, мутахассислар билан учрашувлар, тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мана шундай тадбирлар ва анжуманларни ўтказишда шаҳримизда фаолият юритаётган Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Аввало институт фаолияти ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлигига тўхталиб ўтиш жоиз.

— Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалининг асосий мақсади ва вазифаси аввало аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлодни тарбиялаш, жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга йўналтирилган комплекс профилактик, ўқув ва тарғибот чора-тадбирларини амалга ошириш, — дейди мазкур институт директори Эльвира Маракаева. — Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг филиал ваколатига кирадиган масалалар бобидаги қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги касалхоналар, тиббиёт муассасаларининг давлат ва тармоқ ҳисоботларини тузиш ва қабул қилиш, ҳисоботларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва натижаларга қараб бундан кейинги ўзгаришларни таҳлил қилиш, яъни умумий ва айрим касалликлар гуруҳи бўйича касалланиш ҳоллари, аҳоли ўртасида туғилиш ва ўлим ҳоллари, оналар ва болалар ўлими ҳолатлари бўйича ҳамда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари фаолияти ва ушбу тизимдаги барча тиббиёт муассасалари статистик хизмати ишларига ташкилий методик раҳбарликни амалга оширади.

Шуни ҳам таъкидлаш керак, институт томонидан шунингдек, тегишли соғлиқни сақлаш органларининг кўрсатмаси билан аҳоли соғлиғининг аҳволи, соғлиқни сақлаш тармоқлари ва уларнинг фаолияти, кадрлар тўғрисида материаллар тўплаш, уларни белгиланган тартибда нашр этиш учун тайёрлаш ҳамда тегишли муассасаларни ушбу материаллар билан таъминлаш ишлари олиб борилади. Институт ташаббуси билан соғлом турмуш тарзини аҳоли онгига сингдириш борасида ўтказиб келинаётган тадбирлар, анжуманлар ва давра суҳбатлари айниқса диққатга сазовор бўлмоқда.Жумладан, институт жамоаси «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан олий ўқув юртларида,коллеж ва лицейларда, мактабларда ҳамда оилавий поликлиникаларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида «Зарарли одатлар ва ёшлар», «Ўсма касалликларининг олдини олиш», «Туғма ногиронликнинг олдини олиш», «Йод танқислиги касалликлари», «Ўсмирларда учрайдиган касалликлар», «Қизлар гигиенаси», «Гиёвандлик ва ОИТС –аср вабоси», «Соғлом турмуш тарзи нима?» «Қалқонсимон без касалликлари. Бўқоқ ва унинг олдини олиш», «Сил бедаво эмас» сингари мавзуларда соҳа мутахассислари иштирокидаги тадбирлар қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозаралар асосида ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Бундай тадбирлар режа асосида мунтазам ўтказилиб, унда ёшлар фаол иштирок этмоқдалар ва ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ жавобларни олишмоқда.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида институт томонидан амалга оширилаётган бу каби хайрли тадбирлар ёш авлоднинг соғлом ва баркамол, жисмонан бақувват бўлиб камолга етишлари ҳамда турли хил касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТЛАРДА: Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

Ислоҳотлар оқимида

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ АВВАЛО ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

Ҳуқуқий маданият — бу кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишдир.

Бугунги кунда биз танлаган янги жамият қуриш йўлида ҳамма шахслар билан бир қаторда, аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксак даражада шакллантириш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли таъминлаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек «давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим, зеро мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади». Бу йўналишда мамлакатимизда қонуний - ҳуқуқий негиз шакллантирилди: аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги Фармони (1997 йил 25 июнь), Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури (1997 йил 29 август) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги юристлар малакасини ошириш марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори (1997 йил 21 июль) қабул қилинган.

Ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг таркибий қисми сифатида жамиятни онгли равишда бошқаришни, ўз олдимизга қўйган дастурий вазифаларни амалга оширишда, кишиларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг туб моҳиятини тўлақонли англаган ҳолда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш учун ҳамжиҳатликда фаолият юритишларини таъминлайди.

Республикамизда она-бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши давлат олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисоблаб келинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида, «Фарзандлар ота-оналарининг насл насабларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб кўрсатилган. Ота-она боланинг яшаши учун масъул шахс. Улар ўз бурч ва вазифаларини тўғри англаган ҳолда боланинг ривожланишига шарт-шароит яратиб бермоқликлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 11-бобининг бир неча моддаларида вояга етмаган болаларнинг оилада яшаш, тарбияланиш, ўз шахсий фикрини баён қилиш, ўз исм, фамилиясига эга бўлиш ва ўзгартиришга доир ҳуқуқлари қонунлаштирилган.

Инсон мукаммаллиги унинг ақли, маданияти, нутқ бойлиги, меҳнати ва бошқа хусусиятга эга бўлишида кўринади. Оилада ота-она фарзандига шу хислатларни шакллантиришга ҳаракат қилиши лозим. Айниқса уни меҳнатга ўргатиш, меҳнат ҳар бир инсоннинг эҳтиёжи, бахт-саодати калити эканлиги, меҳнат қилмаган инсон қашшоқ, муҳтож, бошқаларга қарам бўлиб қолиши тушунтирилиб, болаларда меҳнатни севиш, сабр-тоқатли бўлиш, бошлаган ишига меҳр қўйиб уни охирига етказиб натижасини кўриш ҳиссини тарбиялаш лозим.

Лекин болани жуда эрта меҳнат билан банд қилиш мумкин эмас. Ўша нуқтаи назардан болаларнинг меҳнат ҳуқуқи қонун билан муҳофаза қилинади.

18 ёшгача ишга қабул қилинадиган вояга етмаганлар албатта шифокор кўригидан ўтиши шарт. Бу қоида Меҳнат кодексининг 239-моддасида белгиланган. Боланинг иш вақти, дам олиш вақти, ишлаш шароитлари ҳам катталардан фарқ қилади. Она ўз боласининг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун қонундаги боланинг ҳуқуқларини билиб, иш берувчидан бола ҳуқуқи бузилмаслигини талаб қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини давр талабларига мос равишда кўтармай фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини яратиш қийин. Ўз ҳуқуқини яхши билган, қонунлардан хабардор, демократик шароитда қонунларга мувофиқ яшашга ўрганган кишиларгина фуқаролик жамиятини барпо этиш, уни эзгу тилакдан реал ҳаётга айлантиришлари мумкин.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш аввало оиладан бошланади. Оилада ота-она фарзандига, бир-бирига нисбатан муносабатда кўп қиррали маданият билан бирга ҳуқуқий маданиятли бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Бу масалада, айниқса онанинг, аёлнинг ўрни жуда катта аҳамият касб этади.

Меҳрибон ХУДОЙБЕРГАНОВА, ҳуқуқшунос

Ўз-ўз ўзингга доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ

Жисм ҳам, руҳ ҳам иккаласи бирга ривожланади ва комилликка эришгунча камолот зинапояларидан кўтарилиб бораверадилар ва даражаларни эгаллайдилар.

* * *

Неки кўрсанг оёқ остида, қўлингга ол, зеҳн сол: чунки ҳар зарраси тупроқнинг ибрат кўзи билан қараганга ойнаи жаҳоннамодир.

* * *

Шу пайтгача мен: одамзод жонли мавжудот бўлгач, у зарурат миқдорида меҳнат қилиши, оиласини хор қилмай боқиши, кучи етгунча одамларга хизмат қилиб, ҳожат чиқариши лозим деб ўйлардим. Ҳозир эса одам боласи учун қаноатдан ва розиликдан яхшироқ нарса йўқ деб ўйлаб турибман.

* * *

Мавжудотнинг меваси — инсондир.

* * *

Ўзини англамаган ҳар бир киши, ҳеч нарсани англамай (дунёдан ўтади).

* * *

Шундай бўлгилки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

Билгилким, ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмагай ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса, ул ишнинг асоси мустаҳкам бўлмагай.

* * *

Агар комил устоз ким деб сўрасалар, у пок мазҳабли, ўз айбини кўрадиган, доно ва тамизли кишидур, деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва бахилликдан асар бўлмайди.

* * *

Агар шогирдликнинг биноси нимани устига қурилади деб сўрасалар, иродат устига деб жавоб бергин.

* * *

Зоҳирий адаб ботин адабининг белгисидир.

* * *

Ҳар бир вақтнинг, ҳар бир ҳолатнинг ҳар бир мақомнинг ўз одоби бордир.

* * *

Агар биров поклик юзасидан бошқа бировга ва ё яхши суратга қараса, бунда ҳеч зиён йўқдир.

* * *

Мол-дунёга ўч очкўз одам дўстликка арзимайди.

* * *

Оламда яхши дўстдан кўра саодат йўқдир.

* * *

Кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир.

* * *

Ҳайвон ейиш учун яшайди, инсон эса яшаш учун ейди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тадбирлар

ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Наврўзона кайфият бутун республикамиз бўйлаб кезиб юрган айни кезларда шаҳар, туман марказларида мазкур халқ маросимини тараннум этадиган тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Зеро, Наврўз нафақат халқ миллий удуми, балки элларни элларга, дилларни дилларга пайванд этадиган, кемтик кўнгилларга меҳр тафтини олиб кирадиган қадриятлар уйғунлиги ҳамдир.

Юнусобод туманидаги "Умр" имконияти чекланган болалар жамғармаси ташаббуси билан туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида ўтказилган "Меҳр тафти – дилларга ҳамроҳ" номли кеча айни шу жиҳати билан ажралиб туради.

Унда марказда таҳсил олувчи имконияти чекланган болажонлар, уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни марказ раҳбари Нуриддин Муҳидов кириш сўзи билан очар экан, Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни камол топтириш, уларнинг истиқболига хизмат қиладиган дастурий вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан бажарилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

— Бугунги тадбир ўзига хос аҳамияти билан ажралиб туради, — дейди марказнинг имконияти чекланган болалар билан ишлаш бўйича тўгарак раҳбари Ҳамида Ҳамидова биз билан суҳбатда. — Чунки, кечамиз фасллар келинчаги баҳорда ўтказилмоқда. Имкониятдан фойдаланиб, ўзининг ҳомийлик ёрдамини аямаган таниқли эстрада хонандаси Абдулла Убайдуллаев, Юнусобод туман "Старт" гузари раҳбари Нуъмон Азимовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Тадбирда кўкламона таомлар билан безатилган дастурхон узра ёшликни, кўкламни, онаВатаннинг эртанги истиқболини тараннум этадиган куй-қўшиқлар янгради.

Бир сўз билан айтганда, тақдир тақозосига кўра кўнгли кемтик, аммо юрагида шу азиз юрт истиқлолига хизмат қиладиган ёшларга саховат, бахту иқбол эпкинлари уларшилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Спорт янгиликлари

РУСТАМ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА

Россиянинг Нальчик шаҳрида ўтказилаётган Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқич беллашувларида тўққиз мамлакатнинг ўн тўрт нафар шахмат устаси бир даврали тизимда ўзаро куч синашмоқда.

Мусобақа қоидасига кўра, шахматчилар ФИДЕ Гран-присидаги жами олтита босқичдан тўрттасида қатнашиши лозим. Беллашувларда энг кўп балл жамғарган икки нафар шахматчи номзодлар турнирида иштирок этади. Унда ғолиб чиққан гроссмейстер жаҳон чемпионлиги учун курашиш имкониятига эга бўлади.

Нальчикдаги турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Қосимжонов биринчи турда арманистонлик Владимир Акопянга қарши қора доналарда ўйнади. Учрашувда рақибининг ҳужумларини бартараф этиб, мустаҳкам ҳимояланган ўзбек шахматчиси дуранггa эришди.

Ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов иккинчи турда украиналик Сергей Карякин билан куч синашди. Қизиқарли ўтган учрашувда оқ доналарда ўйнаган ҳамюртимиз асосий эътиборини ҳужумга қаратди. Лекин ҳимояда бехато ўйнаган украиналик шахматчи партияни дуранг билан якунлашга муваффақ бўлди.

Рустам Қосимжонов навбатдаги беллашувни Александр Гришчукка қарши ўтказади.

ГИМНАСТИКАЧИЛАР БАҲСИ

Бадиий гимнастика бўйича пойтахтимизда ўтказилаётган мамлакат биринчилигида кўпкураш беллашувлари совриндорлари аниқланди. 1992-1994 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги баҳсда тошкентлик Комила Тўхтаева шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қолган совринли ўринлар бухоролик гимнастикачилардан Маҳоста Жўраева ҳамда Дарья Свечниковага насиб қилди.

1995-1996 йилларда таваллуд топган спортчилар баҳсида биринчи ўринни пойтахтлик Азиза Мамажонова эгаллади. Умидли спортчи асосий рақобатчилари — бухоролик Сарвина Холиқова ҳамда самарқандлик Мафтуна Шамсиевани ортда қолдирди. 1997-1998 йилда туғилган қизлар баҳсида қучли учлик Тошкент шаҳри вакиллари - Равиля Фархутдинова, Валерия Давидова ва самарқандлик Рухшона Эргашевадан таркиб топди.

ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Юнон-рум кураши бўйича Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик ёш полвонлар битта олтин ва иккитадан бронза медалга сазовор бўлди. Ҳамюртларимиздан Дониёр Абдуллаев ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Жамоамиз аъзоларидан Абубакр Олимов ва Умар Билолов учинчи ўриндан жой олди.

Боҳир БЕК

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат XVII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 6-тур беллашувлари шаҳримиз шарафини ҳимоя қилаётган командаларга муваффақият келтирди.

Сафарда «Хоразм» жамоаси меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдкор» командаси муросасиз ва шиддатли курашлар остида кечган учрашувда мезбонларни 2:1 ҳисобида мағлуб этиб муҳим очколарни қўлга киритди. Дарвозаларга голларни «Хоразм»дан Аҳмедов, «Бунёдкор»дан Гочкулиев ва Ривалдолар киритишди.



«Пахтакор» марказий стадионида Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан куч синашган Виктор Жалилов бош мураббийлигидаги мамлакатимизнинг саккиз карра чемпиони «Пахтакор» командаси аъзолари ҳужумчи Фарҳод Тожиев томонидан киритилган ягона гол эвазига меҳмонлар устидан 1:0 ҳисобида зафар қучишди.

Жорий йилги мавсумда ҳужумкор ва сермазмун ўйин намойиш этаётган шаҳримизнинг яна бир вакили «Локомотив» жамоаси ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» командасини 1:0 ҳисобида мағлуб этиб муҳим уч очкони қўлга киритди. Мухлисларга қувонч бахш этган ягона тўпни меҳмонлар дарвозасига Умрзоқов йўллади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Олмалиқ» — «Нефтчи» — 1:0, «Шўртан» — «Қизилқум» — 2:1, «Бухоро» — «Динамо» — 2:0, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 4:3, «Насаф» — «Навбаҳор» — 1:0

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 7-тур учрашувлари 25, 26 апрель кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз муҳбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

	Таълим муассасаси номи	Манзили	Изоҳ
	Директорлик лавозимига		
1	Бектемир тумани Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи	Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси	Янги қурилаётган
2	Дўмбиробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Чилонзор тумани, Дўмбиробод кўчаси, 74-уй	
3	Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Уста Ширин кўчаси, 98-уй	

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3.Сўровнома (справка-объективка);
4.Таржимаи ҳол;
5.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9.Паспорт (нусхаси);
10.Тавсифнома;
11.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-31, 252-23-35.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 12 май куни соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.12.2008 йилдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ҲЁАТ «Парвинабанк» Тошкент ш. филиалига тегишли бўлган, Ҳамза тумани «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1.«Матиз» русумли, д/р 10ВЕ603 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—8 964 117 сўм. 2. «Матиз» русумли, д/р 10АZ704 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси —8 964 117 сўм. 3. «Дамас» русумли, д/р 10ВD684 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—12 407 982,80 сўм. 4. «Нексия» русумли, д/р 10АА787 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—20 543 363,50 сўм. Шунингдек Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 18.12.2006 йилдаги 10-0610/13548-сон, 25.07.2007 йилдаги 10-0718/6855-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11834-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11835-сон, 12.02.2008 йилдаги 10-0718/15363-сон, 26.08.2008 йилдаги 10-0804/8759-сон, 25.11.2008 йилдаги 10-0804/13223-сонли ижро варақаларига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1.Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўз. қишлоқ журнали ходими Комилов М.да сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 10АУ378 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси—10 854 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар «Себзор» жарима майдончасида сақланаётган «Матиз» русумли д/р 10ВД330 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—8 505 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза лари қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси—«Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИТБ «Ипак Йўли банки» Сайбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО: 01036, ИНН:200933850, х/р: 20210000300571452114. Манзил: Тошкент ш, С.Раҳимов т, М.Ўразбоев кўчаси, 1-Ауй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Савдоларга марҳамат!

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида, келиб чиқаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан ҳамда хизмат ходимлари тарафидан қонунбузарлик ва сансалорлик ҳолатлари аниқланганда Бошқарманинг қуйидаги «Ишонч телефони»га мурожаат қилишингизни тавсия этамиз:

239-35-32

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 306

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3824 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

256

Топширилган вакти: 13.33